



Ислом Нури

Аллоҳ таоло айтади:

«Меҳрибон ва раҳмли...» (Фотиҳа: 2).

«Раҳматим — меҳрибонлигим эса ҳамма нарсадан кенгдир. Мен уни (раҳматимни) тақво қиладиган, закотни берадиган зотларга ва Бизнинг оятларимизга иймон келтирувчи бўлган кишиларга ёзурман» (Аъроф: 156).

«У мўминларга меҳрибон бўлган зотдир» (Аҳзоб: 43).

Аллоҳ таоло айтади: «Аллоҳ таоло халқларни яратгач, Ўз ҳузурида, Арш устида бўлган Китобига: «Албатта Менинг раҳматим ғазабимдан устундир», деб ёзиб қўйди (Имом Муслим ривояти).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло халқларни яратгач, Ўз ҳузурида, Арш устида бўлган Китобига: «Албатта Менинг раҳматим ғазабимдан устундир», деб ёзиб қўйди (Имом Муслим ривояти).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Агар мўмин Аллоҳ ҳузуридаги азоб-уқубатни билганида эди, бирон киши Унинг



Ислом Нури

соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Бир киши ҳаддан ташқари кўп гуноҳлар қилиб, вафоти яқинлашганда фарзандларига васият қилиб айтдики: «Агар вафот этсам, мени куйдиришлар ва кулимни шамолли кунда денгизга сочиб юборинглар. Аллоҳга қасамки, агар Роббим мен(и қайта тирилтириш)га қодир бўлса, менга ҳеч бир бандасига бермайдиган қаттиқ азоб билан азоб беради». Фарзандлари унинг айтганини қилишди. (Аллоҳ таоло) ерга: «Олган (омонатларингни) адо қил», деб буюрди. Шунда у (одамнинг жасади йиғилиб келиб, Аллоҳ ҳузурда) турди. Аллоҳ таоло ундан: «Сени бундай қилишга нима ундади?», деб сўради. «Сендан кўрқишим, эй Роббим», деб жавоб берди. Шу сабабли Аллоҳ таоло уни мағфират қилди» (Муттафақун алайҳ).

Шарҳ:

Аллоҳнинг мўмин бандаларига раҳмати кенг ва бепоёндир. У зот Раҳмон ва Раҳимдир, раҳмати ғазабидан устун, бирон бир гуноҳ У кечиролмайдиган даражада катта бўлмайди.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Аллоҳнинг раҳмати кенг;
2. Унинг раҳмати мўмин бандаларига хос;
3. Унинг раҳмати ғазабидан устун.